



» Навоий таваллудининг 578 йиллиги олдидан

Саодатга Элтувчи сўз

Кўнгилга йўл топиш қишин иш. Кези келганда бу борада нафақат олтину жавоҳир ёинки зулм ва куч ожиз. Ўз ўрнида топиб айтилган бир оғиз яхши сўз дилини эритади, сеҳрлай олади.

Буюк мутафаккир, давлатарбоби, шеъриятмulkining сultonни ҳазрат Алишер Навоий ҳар қандай гавҳардан ҳам аъло сўз қадрими баланд тутиб, уни инсон камолоти ва баҳту саодати кўзланган эзгулик аталмиш амалга чорлаган ҳамда беназир иқтидор, ихлосу заҳматлари туфайли бу юмушни юксак даражада адо эта олган ҳам.

Навоий асарлари ўз мазмун-моҳияти илиса сизу бизни ҳаёт аталмиш бепоён йўлнинг пасту баландидан, яхши-ёмонидан, бальзан хатарли бурилишларидан огоҳ этади, бир сўз билан айтганда, мутафаккир шоир одам зотини комил-

лик даражасида кўришни орзу қиласди. Навоийнинг ҳалқ тилида ҳикматга айланиб кетган қитъалари, руబиллари, фардларидан ташқари ишқ-муҳаббат йўналишидаги ғазалларида ҳам олижаноб инсоний ғазилатлар тараннум этилган байтлар учрайди. Улар нафақат файласуф шоир донолигининг, балки бадий ифода жиҳатидан ҳам Навоий бобомизнинг юксак маҳоратини яққол аке эттиради.

“Уксик кўнгилни кўтариш вайрон бўлган Каъбани обод этиш билан баробар”, дед уқтиради шоир. Бу борада, албатта, сўз бирламчи ва ишончли восита.

Давоми 2-саҳифада »



» Қабул



Вазир билан ЮЗМА-ЮЗ

Жорий йилнинг 2 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Бахтиёр Сайфулаевнинг фуқаролар қабули ўтказилди. Шу куни ўндан зиёд фуқаро турли масалалар бўйича ўз мурожаатларига жавоб олди.

Қабулда дастлаб мақом устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳадя Юсупова бўлди. Вазир 80 ёшли санъаткорнинг кўп йиллик камтарона меҳнатларини хисобга олган ҳолда, бу санани кенг нишонлаш, ижодий кечашашкил этиши, бу жараёнларни ОАВ ва телевидение орқали кенг ёритиш таклифи берди. Санъаткор бундай эътибордан мамнун ҳолда ўз миннатдорчилигини билдири.

Давоми 2-саҳифада »

Дононар
сўзлайди...

Мутолаа инсонни билимдонлик сари,
сұхбат топқирлик сари етаклайди.

Фрэнсис Бэкон

Китоб инсон кўз ўнгидаги номаълум
фактларни очади.

Гершель Жонфредерик

Китобни қадрламоқ керак, бу тафаккур қасрига
иззат-эҳтиром билан қадам қўймоқ лозим.

Герцен

Ушбу сонда



Эркин Комилов:
«Саҳнани севиш учун жуда катта юрак керак»

5-саҳифада »

Муштарак мақсадлар йўлида

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алқабалари ҳамда ҳамкорлиги йил сайин мустаҳкамланмоқда.

Мамлакатимизда илм-фаъ, маданият соҳасида ўтказилётган ҳалқаро анжуманлар, мақом санъати ва “Рақс сеҳри” фестиваллари бунга яққол мисол бўла олади.

4-саҳифада »



**Фидойи инсонларга
эҳтиёж сезилмоқда**


3-саҳифада »

» Конференция

Ўзбекистон экспонатлари Луврда кўргазмага қўйилади

2021 йилда Ўзбекистоннинг юзлаб экспонатлари Франциянинг Лувр музеида бир неча ой мобайнида намойиш этилади.

2018 йилнинг октябринда Президентимизнинг Францияга ташрифи доирасида 2021 йилда Лувр музеидаги Ўзбекистон тарихига багишиланган кўргазмани ташкил этиши хусусида келишувга эришилган эди.



Давоми 2-саҳифада »

«Давоми. Боши
1-саҳифада»

Вазир
билин
юзмас-юз



«Давоми. Боши 1-саҳифада»



Саодатга Элтувчи сўз

Ошиқнинг маҳбубага мурожаат этиб “Кўйинг борида қўимон жаннатга гузар ҳартгиз” мисраси билан бошланувчи газалида шундай сатрлар бор:

**Пил ўлса агар ҳасминг, дессанги зарар топмай,
Бир пашшага оламда еткурума зарар ҳареуз.**

Олам аҳлини бир-бирови билан аҳил, дўст, ҳамкор бўлишга чорлаган шоир таъсирчан кўёслар, тимсоллар ва ташбехлар орқали “Озор кўришни истамасанг, аввало ўзинг бирграва озор етказма, ҳатто қудратиниғ филча бўлса-да, пашшага ҳам озор бермагил”, деб огоҳлантиради. Ва яна бир газалида: “Кўнгилниғ пок тут, тилни юмшоқ кил, камтарликни касб эттилки, ана шунда бало қозодан омондасан”, — деб утигради.

**Гар дессанг қанттик балоға, қолмағайсен чархдин,
Олам аҳли бирла юмшоглиғ ила қылғиг маош.**

Зоро, бирорвон ёмонлик қилган киши ўзи ҳам ёмонлик кўрмай қолмайди, яъни бирорвон ноҳақ йиглаттанинг ўзи ҳам йиглади.

**Қўзғама булбулни кўп, эй гулки, даврон боғида,
Қолмамиши қўзғалмайин улким, бирорвони
қўзғамаши.**

Лирик назмдаги ошиқнинг суюкли маҳбубага — хусн шоҳига илтижо ўтичлари аслида ошиқ ва адолатсевар Навоийнинг ҳукмдору мансабдорларга, давлатмандларга хитоблари янглиг жарагангайди.

**Ком етумрак ғанимат англа даврон аҳлиға,
Эй фани, бу дамак коминг бирладур даврон ҳануз.**

Демак, давру давронинг, қўлда имконинг бор экан, эл-юртга нафинг тегсин, сендан яхшилик колсон. Негаки, давр — ўткинчи, даврон — ғанимат. Эртандига ўкинч, афсус ва пушаймонликдан эса фойда йўқ.

Шоир назмдаги ошиқнинг суюкли маҳбубага — хусн шоҳига илтижо ўтичлари аслида ошиқ ва адолатсевар Навоийнинг ҳукмдору мансабдорларга, давлатмандларга хитоблари янглиг жарагангайди.

Ком етумрак ғанимат англа даврон аҳлиға,

Эй фани, бу дамак коминг бирладур даврон ҳануз.

Демак, давру давронинг, қўлда имконинг бор экан, эл-юртга нафинг тегсин, сендан яхшилик колсон. Негаки, давр — ўткинчи, даврон — ғанимат. Эртандига ўкинч, афсус ва пушаймонликдан эса фойда йўқ.

Хаётний тажрибалар маҳсулси сифатида билдирилган шоир фикрич сабр, инсоф, нафсин жиловлай билиш, айниқса, қонаот ҳар кишининг иззатли ва хурматли бўлишига сабаб бўлади. Тўғрилик, рост сўз сўз ҳалоллик, садоқат эса ҳар кимсанинг хавфу ҳавотирдан холи бўлишига, кўнгил хотиржамлигига заминдири. “Бу борада ўқдин мисол ол, — деб таъкидлайди шоир. — У тўғрилигидан узоққа боради. Ёй эса эгрилигидан кўл-оёғи чандилган, тузоққа тушган”.

Бир сўз билан айтганда, Навоий ҳазратлари сўз қудрати воситасида кишиларни энг яхши инсоний фазилатлар эгаси бўлишига дайвает этади.

Отабек ИСМОИЛОВ,

“Ичан қалъа” давлат музей-қўриқхонаси
катта илмий ходими, Ўзбекистон Ёзувчилар
котибаси аъзовси

Қабулга келган фуқаро — Жамила Тўлаганова Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги мусиқали театрни профессионал театр даражасига тенглаштириши тақлифини билдири. Вазир тегиши бошқарма бошлиқларига масалани ўрнатилган тартибда ижобий ҳал қилиш юзасидан топшириклар берди.

Мархум ҳалқ ҳофзи Үлмас Сайджоновнинг рафиқаси ҳам вазир қабулида

бўлиб, маданият ва санъат соҳасидаги ижобий ўзгаришларни кузатиб бораётганини айтди. Шунингдек, мархум санъаткорнинг хотирасига багишлаб ўтказилаётган барча тадбирлар ва эътибор учун бу ишларнинг ташаббускори бўлган юртбошимиз ва Маданият вазирлигига миннатдорчиллик билдири.

Инобат Жаниева эса лапар жанрида ги қўшикларини ёзишда амалий ёрдам

сўради. Яна бир фуқаронинг мусиқа мактаблари учун мусиқий педагогика китобини нашр этиш масаласини ҳал қилиш бўйича ҳам вазир томонидан тегишили топшириқ ва кўрсатмалар берилди. Қабул давомида, шунингдек, бир неча фуқаронинг ихтисослиги бўйича иш билин тъминланиш борасидаги мурожаати юзасидан тегишили йўналиш ва тушунтиришлар берилди.

«Давоми. Боши 1-саҳифада»

Ўзбекистон экспонатлари Луврда кўргазмага қўйилади



Шу муносабат билан Тошкентда Франциянинг Париж шаҳридаги дунёга машҳур, йилига 10 миллион сайёҳни ўзига чорлаб келаётган Лувр музеида 2021 йилда бўлиб ўтадиган “Ипак ўйлида цивилизация ва маданият” кўргазмаси учун Ўзбекистон музейларидаги ноёб, қадимию топилма ва осориатикларини намоёши ётишга тайёргарлик кўриши юзасидан ИХалқаро коғизида бўлиб ўтди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданият ва санъатни ри воқжалантириш жамгармаси томонидан ташкиллаштириди. Унда Франциянинг Лувр музеи Ислом санъати департаменти директори Яник Линц хоним, Музейларни тадқиқ ётиши ва реставрация килиш маркази тадқиқот бўлими раҳбари Мишель Миню экспертилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ислом цивилизация маркази директори Шоазим Миноваров билан юртимизнинг осори-атиқларини зиён-заҳматсиз Лувр музеяга олиб бориш ва бир неча ой давомимда кўргазмага кўйиш хусусида ўзаро фикр алмashiши. Жумладан, ҳар бир музей экспонатини транспортировка килиш, сугуруталаша ва ўраба жойлаш масалалари муҳокама қилинди. Бундан ташқари, юртимизда жойлашган Далварзин тепадан топилган хайкаллар ва Самарқандга Афросиёб деворий суратлари каби манбаларни ўрганган меҳмонларнинг ҳужжатли фильми ҳам намоёши этилди.

Конференцияда Яник Линц 2018 йилнинг октабрида имзоланган меморандум асосида 4 февралдан бошлаб ўзбекистонлик, франциялик ва россиялик мутахассислардан тузилган кирик иши кўмита тузилиши ва ишлар бошлаб юборилишини билдириди. У иши кўмитанинг кейинги учрашуви 2019 йилнинг иккичи яримда ташкилардан бўлиб ўтишини таъкидларкан, 2021 йилда Лувр му-

зейда ўтказилиши режалаштирилаётган кўргазманинг очилишига багишланган китобни тайёрлаш ишлари бошланишини ҳам айтиб ўтди. Шунингдек, 1200 квадрат метр майдон ажратилиши режалаштирилган мазкур кўргазмада 400га яқин экспонатнинг жойлаштириш ва бу орқали қадим Туронни бутун дунёга танитиша кенг имконият яратилиши ўзи учун ҳам кувончилик эканини билдирган Яник Линц “Бу аср кўргазмаси бўлади”, — деб эътироф этиди.

Франция-Ўзбекистон археология миссияси директори Рокко Ранте 2021 йилда бўлиши кутилаётган мазкур кўргазмада намоёши килинадиган экспонатларнинг аниқ сони бўйича 2019 йилнинг иккичи яримда рўйhat тузилишини маълум килди. У ҳозирга қадар кўргазма учун Ўзбекистон музейларидан 200тача экспонат танлаб олинганини айтди.

— Мазкур тадбирнинг Маданият вазирлигига ўтказилган иккичи кисмida Лувр музеяга олиб бориладиган ва кайтариб олиб келинадиган экспонатларнинг иши бўйича экспертилар билан мухокама давом этиди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси археология илмий-тадқиқотлар институти ташкиллаштирилган Гулнора Аҳадова.

— Бизга маълумки. Самарқандги Афросиёб деворий сурати мазмунмоҳияти ва ҳажми жиҳатидан ҳам салмоқли асар хисобланади. Мана шундай тарихий обидаларни ҳам Луврга олиб бориш масаласи кўрилмоқда. Бунинг учун ўта ўтиёткорлик ва профессионалик керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ислом цивилизация маркази директори Шоазим Миноваровнинг таъкидига, 2021 йилда мамлакатимиз тарихи, маданияти, цивилизацияси тегиши бўлган энг дурдона экспонатларнинг кўрсатилиши Франция-Ўзбекистонлик ташкилардан таъкидларкан, 2021 йилда Лувр музей биситини асосан қироллик ва монастирлар коллекциялари ташкил этади. Бундан ташқари, музейдан жаҳон санъати дурдоналари ўрин олган.

сайёҳлар олдида Ўзбекистоннинг халқаро эътирофини кучайтириш йўлида катта қадам бўлади. У Луврда Амир Темур Аҳмад Яссавий мақбаси бирни Қирол Шарл VІга ёзган мактуби ва бошқа бўйлар ҳам сақланаётганини билдириб ўтди.

— Юртбошимиз ташабуси ва гояларни билан Тошкентда курилаётган Ислом цивилизацияси маркази ҳам Лувр музейидан кам бўлмайди, — дейди Шоазим Миноваров. — Биринчидан, майдони катта бўлади, иккичидан, бу ерда иккича мингга яқин китоб жамламасига эга бўлган кутубхона ва 400 мингга яқин экспонати бўлган музей ташкил қилинади. Ва уни аллақачон Европада “Ўзбекистоннинг Луври” деб аташаётганини ҳам бежиз эмас. Шуни таъкидлаш жоизки, халқимизнинг қўлида жуда кўп осори-атиқлардан ташқари китоблар, санъат, адабиёт, тиљуннослик бўйича қўлъезмалар, тошбосмалар ёки турии йилларда замонавий нашрларда чиқсан китоблар, лугатлар бор. Уларни экспертилар баҳосида сотиб оламиш, деб кўп марта мурожаат килдик. Хоҳлаганлар шундай совға қилиши ҳам мумкин. Бу Ислом цивилизацийи маркази ривожига халқимизнинг кўшган хиссаси бўлади.

Дарвоже, манбаларда келтирилишича, Лувр миллий санъат музейи сифатида илк бор 1793 йил 8 ноябрда фаолият бошланган. У дунёнинг энг йирик ҳамда бой тарихига эга музейлардан бирни. Архитектура ёдгорлигининг ушбу биноси 1190 йилда қирол Филипп-Август томонидан Париж шаҳрини гарбдан мудофаа килиш мақсадида бунёд этилган. Бир пайтлар бу касрда қирол, унинг оиласи ва сарой аҳли истиқомат килган. Шунинг учун ҳам Лувр музей биситини асосан қироллик ва монастирлар коллекциялари ташкил этади. Бундан ташқари, музейдан жаҳон санъати дурдоналари ўрин олган.

Абдуқодир МўМИНОВ

» Музокара

**“Мақом
марказы”
Курилиши
муҳокамада**



Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири ўринбосарлари – О.Назарбеков ҳамда У.Қўонбоев Туркияning "Sofito" курилиш фирмаси вакиллари билан учрашидилар.

Музокаралар давомида Ўзбекистонда "Мақом марказы"ни куриш ва уни замонавий услугда жиҳозлаш масаласи муҳокама этилди. "Sofito" курилиш фирмаси вакиллари ушбу лойихани амалга

оширишда билдирилган талаб ва таклифлар эътиборга олининиши айтиб ўтиши.

Келгусида курилишда ишлатиладиган ҳар бир хомашё сифатли ва табиий булиши, жиҳозланган жараёнидаги бу сифатлар мухимлиги, айниқса, аудио ва видео аппаратлари, чироклар, саҳна безаклари жаҳон стандартларига мос бўлишига алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланди.



» Ўзарышлар фаолликча чорлади



Фидойи инсонларга эҳтиёж сезилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш коцепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори маданият ва санъат соҳасида анчагина ишларни амалга оширишимиз кераклигини англатмоқда.

"Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ижодий ўюшмаларнинг бугунги фаолиятида тадбирбозлик, шунчаки хўжакўрсинга ишлаш, сустаклилар ва локалдик кайфиятлари тобора яқюл кўзга ташланмоқда. Ижодий ташкилотлар раҳбарларининг аксарияти фақат юкоридан бўйруқ кутуб ишлашга ўрганиб қолгани, ундин фаолиятида умумий мақсад учун жон куйдириси, ташаббус ва ташкилотчилик сезилмаёттани, албатта, ачинарли ҳол", – деган эди Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 августдаги Ўзбекистон ижодий зиёлларни вакиллари билан учрашуудаги мазгуразасида.

Дарҳакиқат, Президентимиз таъкидлагандек, Республикаимиз ҳудудидаги туман, шаҳар Маданият марказларидаги жонкуюр, фидойи кадрлар масаласи ҳамон ўз ечимини топмаган. Бу ҳақда Фарғона давлат университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мintaқавий маркази, Маданият ва ахоли дам олиш раҳбарлари учун малака ошириш курси тингловчилири билан ўтказилган давра сұхбатида ҳам алоҳида таъкидланди.

Тан олиш керак, соҳада ҳамон боқимандалик кайфиятида ишлаётганлар йўқ эмас. Айниқса, кўп йиллик иш стажига эга бўлган кадрлар орасидан ҳам лоқайд ва "хўжакўрсинга" ишлаётган одамларнинг борлиги ачинарли ҳол. Уларнинг айримлари соҳада фақат дипломи борлиги учунгина юрганини

айтишдан уялмайдилар.

Биз замонавий информацион технологиялар асрида яшайпмиз. Хоҳлаймизи, ўйқми, замон билан ҳамнафас яшашга мажбурмиз. Ҳукуматимиз томонидан "Электрон хукумат"ни ривожлантириш бўйича бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилимоқда. Аммо очиг айтишимиз керак, маданият ходимларининг 80 физий ўзларининг ўқусизлиги ва эринчоқлиги сабаб, ахборот ва коммуникация технологияларидан беҳабарларнига қолмоқда. Оддийгина тадбир сценарийи ёки иш режисини компьютер у ёқда турсин, кўлда ёза олмайдиган кадрлар билан келажакни қандай яратиш мумкин? Бўлиб ўтадиган тадбирлар сценарийларининг ўтган йиллардан нусхаларни тадбирларнинг савиясини туширишга ва дастур ниҳоясига етмасдан томошабинларнинг уни тарк этишига олиб келади. Бу ахолининг маданият ходимларига бўлган муносабатини ҳам ўзгариради.

Демак, йиллик аттестацияларда ҳар бир ходимнинг ижодий ва сиёсий билимларини қайтадан кўриб чиқиши мақсада мувофиқ.

Бугун замон, одамлар ўзгарди. Оддий инсоннинг ҳам фикр доираси жуда кенгайди. Демак, биз ҳам ўзгаришимиз керак бўлган вақт келди. Ўтган 2018 йилнинг февраль ойидан бошлаб ҳозирги кунгача маданият соҳасига оид 20дан зиёд фармон ва

карорларнинг қабул қилиниши тизимда янгича ёндашувни талаб қилади.

Маданият ходимлари ўзларининг хукукий, сиёсий билимларини оширишлари лозим. Шундагина ишимиз, президентимиз айтганларидек, фақат "тадбирбозлик" бўлиб қолмайди.

Эскича фикрлаш – ўзарышларга тайёр эмаслик, дегани. Ханузгача кўплаб маданият ходимлари эскича фикрлаётгани, муаяин ислоҳотларга хайриҳо бўла олмаётгани парда ортидаги ҳақиқат бўлиб қолмоқда. Фожиамиз шундаки, айрим ходимларимиз учун эскича, яъни ўзгаришлариси ишлаш жуда кулај, улар янгиликларни ёқтиришмайди.

Мен барчанинг эскича фикрлашдан онгли равишда чекиниши тарафдориман. Шу йўл билан биз эски яраларни тезроқ даволаб, ҳалқ, миллат, давлат сифатида маданият ва санъат ийналишида ҳам фаол ва фидойи бўлишга ўрганишимиз лозим.

Вазифамиз ҳалқимиз учун кўркўна, юзаки хизмат эмас, балки янгича гоялар билан бойитилган маданий хизмат бўлиши кераклигини соҳанинг ҳар бир ходими англаниши зарур.

Улуғбек ҲАЙДАРОВ,
Фарғона вилояти Бешарик тумани Маданият бўлими
“Бешарик тароналари” ашула ва рақс ҳалқ ансамбли бадиий раҳбари

» Ташириф

Вазир пойтахтдаги тизим ташкилотларида

Жорий йилнинг 5 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Б.Сайфуллаев Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманига ташриф буорди.



Шу куни вазир туман маданият марказидаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишиди ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш борасидаги мухим тақлиф ҳамда тавсияларини берди.

Хусусан, Б.Сайфуллаев марказда фоалият юритаётгандан ёш истеъоддлар билан сұхбатлашиб, улар ижросидаги куй-қўшиклиарни тинглади.

6 февраль куни вазир ўринбосари У.Қўонбоев билан пойтахтдаги Мирзо Улубек туманидаги 20-БМСМ ва 2-БМСМларда бўлди. Вазирлик мутасаддилари муассасадаги таълим жараёнини мазмунли ташкилда коммуникацион вositалардан фойдаланиш салоҳиятини, жиҳозларнинг бугунги ҳолатини ўрганишиди.

Ташриф доирасида З-сон маданият маркази ҳамда "Гулшан" маданият маркази фоалиятини ҳам кузатилди. Марказлар қошидаги тўғараклар фоалиятини яқиндан танишилган, моддий-техник базани мустаҳкамлаш борасида кўрсатмалар берилди.

Ташриф якунидаги янги курилаётган Хореография олий мактаби биносида олиб бориётган ишлар кўздан кечирилди.

» Тадбир

Муносиб эътироф

Ўзбекистон давлат консерваториясида навбатдаги Олий коллегиял кенгаш йигилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси қарорига мувофиқ, Маданият вазири Б.Сайфуллаев томонидан оркестр чолгулари эстрада санъати факультет декани Фарҳод Абдуллаевга "доцент" илмий унвони берилди.

Шунингдек, консерватория ҳузуридаги илмий дарожалар берувчи Илмий кенгаш ҳамда Олий аттестация комиссияси қарорига мувофиқ, Моҳина Абророва, Чинора Эргашева ҳамда Венера Зокироваларга Фалсафа доктори (PhD) илмий дарожаси берилди.



» Диққат, танлов!

Истеъодларни излаймиз

"Ўзбекконцерт" давлат муассасаси ёш хонандалар ва ижочилар учун танлов эълон қилди.

Унинг шартига кўра, "Наврӯз" умумхалқ байрамини юқори савиядаги муносиб ўтказиш, янги истеъод соҳибларини излаб топиш мақсадида жорий йилнинг 1 февралидан 20 февралига қадар эркин, кенг камрорли мавзулардаги кўшикларни "Ўзбекконцерт" давлат муассасасидаги ишчи гуруҳга тақдим этишиларни.

Жонли ижорда куйлаш имкониятига эга бўлган ёш истеъоддеги эгалари давлат тадбирлари дастурига тавсия этилади. Шунингдек, ижочилардан кўшикларини видеоформатда +99895 194-23-23 рақамига "Telegram" ижтимоий тармоғи орқали ўйлаш мумкинлиги айтилган.



» Кўргазма

“Халқаро заргарлар куни”га бағишилди



» Маданият

Успенский номидаги академик лицей – 80 ёшда



Мамлакатимизда маданият ва санъатни юкори даражага кўтиришда мусиқа йўналишидан таълим берувчи масканларнинг ўрни беккней. Мана шундай даргоҳлардан бири – В.А.Успенский номидаги Республика ихтиослаштирилган мусиқий академик лицейи бу йил ўзининг саксон ийлилк юбилейини нишонлади.

Кутлугу санани муносиб кутиб олиши мақсадида йил давомида қатор тадбирларни ўтказиш кўзда тутилган. Юбилей тантаналарини лицейнинг биринчи синф ўқувчилари бошлаб берди.

Анъянага айланган алифе байрами доирасида болажонлар устозлари, ота-оналарга ўз концерт дастурларни тақдим этишиди. Шунингдек, ўзбек ва рус халқ эртаклари асосида саҳна кўринишлари намойиш қилинди.

— Ёш мусиқачиларни тайёрлаша



ўз ҳиссасини қўшиб келаётган академик лицейимизнинг 80 йил давомида талабалар ўртасида турилган концерт дастурларини ўтказиш орқали нишонлашни режамизга киритганимиз, — дебди лицей директори Д.Жамалова. — Асосий мақсадимиз, истеъоддли болажонларни кашф этиш, уларга профессионал билим бериш ҳамда келажакда уларнинг санъат йўналишидаги олий ўқув юртларига киришлиари учун замин яратишдир.

Ушбу масканда мусиқий дарслар умумтаълим мактаблари дастурига ўйғунлашган ҳолда ўргатилади. Лицей 1939 йилда Тошкент консерваторияси кошида 10 йиллик махсус мусиқа мактаби сифатида очилган бўлиб, бугунги кунда мамлакатимизда малакали бошлар мусиқа таълим мининг пойдевори хисобланади.

Наргиза САФАРОВА

Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музеида “Халқаро заргарлар куни” муносабати билан “Ўмроқий заргарлик” деб номланган кўргазма ҳамда илмий-амалий семинар бўлиб ўтмоқда.

Кўргазмада заргарлик анъаналарини давом эттириб келаётган ҳамюртимиз, 50дан ортиқ моделларни ўз ичига олган тўпламлар эгаси, “Ҳунармандлар уюшмаси” аъзоси Бобоевлар оиласининг ишлари намойиш қилинмоқда.



лари намойиш қилинмоқда.

Тадбир давомида ҳунармандларнинг ўз фаолияти ҳақидаги илмий-амалий маърузлари ҳам тингланди. Жумладан, заргар Жамишид Бобоев заргарлик намуналарини таништириш чоғида Ўзбекистонда заргарликнинг тарихи, унинг асосан қадим Ҳиндистон ва Эронда ривожлангани, бизгача етиб келгач, ўзига хос сайқал топгани ҳақида сўзлаб берди.

Абдуқодир МҮМИНОВ

» Халқаро анжуман таассуротлари

Муштарак мақсадлар йўлида

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқалари ҳамда ҳамкорлиги йил сайн мустаҳкамланмоқда.

Мамлакатимизда илм-фан, маданият соҳасида ўтказилаётган халқаро анжуманлар, мақом санъати ва “Рақс сехри” фестиваллари бунга яққол мисол бўла олади.

Мамлакатимиз илм-фан вакиллари ва маданиятимиз намояндалари – олимлар, мутахассислар ҳам чет давлатларда ўтказилаётган турли мавзулардаги халқаро анжуманлар, симпозиумларда фаол қатнашмоқдалар. Якинда маҳсус тақлифга мувоғиқ, Хива “Ичан қалъа” давлат музей қўриқхонаси илмий котиби, тарих фанлари номзоди Комилжон Ҳубойберганов хорижий тадқиқотлар Токио университети ҳамда Япония жамғармаси ташаббуси билан Марказий Осиё тарихи ва маданиятига бағишлаб ўтказилган халқаро симпозиумда иштирок этиб қайтди.

Тарихи олим билан сұхбатимиз сафар таассуротлари, анжумандан кўзланган мақсад ва келгуси режалар ҳақида бўлди.



— Бу галги Японияда ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуманда Ўзбекистондан қатнаштан ягона вақт экансиз. Айтинг-чи, бу алоқалар қочон бошланган!

— Аввало шуни айтиши керакки, мустақиллик Йилларида, айнинса, кейинги даврда нафақат Ер юзи сайёхлари, балки дунё олимларининг ҳам юртимиз, шу қаторда Хоразм тарихига бўлган қизиқиши ортиб бормоқда. Зоро, бу дунё илм-фани, маданиятига тамал тоши кўйилган замин. Япониялик тарихшунослар билан ҳамкорлигимиз бундан йиғирма йилча аввали бошланган эди. Музей қўриқхонамиз, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик инститutiuti ва япониялик олимлар билан ҳамкорликда Хива хонлиги даври қозилик ҳужжатлари ўрганилмоқда. Бунинг натижасида бир нечта китоблар нашр этилди. Т.Хоракава, унинг шогирди К.Исогат каби таникли япон олимлари қадимиш шахар – Хивага бир неча бор ташриф буюришган, биз ҳам кунчиқар мактабатда бўлганмиз.

— Анжуман тафсилотларига ҳам тўхтассангиз...

— Шу йил 13-15 январь кунлари бўлиб ўтган халқаро симпозиумда Ўзбекистондан ташқари, Козғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистондан ҳам вакиллар иштирок этишиди. Анжуманда илмий маърузалар тингланди. Ўзаро тажриба алмашувлар бўлди, тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Мен “Хива – очиқ осмон остидаги му-

зей шаҳар” мавзусида маъруза қилдим. Шубилан бирга тарихий шаҳар ва бугунги кунда ўтмиши ўрганиш ҳамда туризмни ривожлантириш бўйича қилинаётган ишлар акс эттирилган видеофильм намояниши иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Минами Хироши, Коматсу Хисао сингари таникли олимлар буҳақда ижобий фикрлар билдиришди.

— Сафар давомида қандай ғоялар, режалар түғиди?

— Симпозиумдан ташқари, биз Токиодаги машҳур музейларни ҳам томоша қилдик. Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси вакиллари ва мутахассислар билан сұхбатлашдик.

Максадларимиз муштарак. Энг аввало, тарихи чукур ўрганиш, қолаверса, музейлар экспонатлари намояниши орқали уни ёшларга ўргатиш ниятидамиш. Энг муҳими, туризм салоҳиятини ошириш. Шу максадлар йўлида япониялик олимлар, мутахассислар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамланмоқчимиз.

Професор Минами Сенсеи бошчилигида музейшунослик соҳаси бўйича режалар белгилаб олди. Ҳамкорлик асосида Ичан қалъа музей-қўриқхонасидаги меъморий обидалар ва экспозицияларда экспонатларнинг сақланиши, ҳудудда ўшаётган аҳолининг бўйдорликларни асрар-авайлашдаги иштирокини таъминлаш бўйича режалар белгиланди. Япониядаги музейларни томоша қилиб бир нарсага амин бўлдимки, экспонатларни ва қадимига давр билан боғлиқ тарихий воқеалар акс этган манзараларни

шоу-румлар орқали намойиш этиши ҳам сайджэлларда алоҳида қизиқиши ўйғотар экан. Бу нарсани давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳам ўтган Йилнинг ноябр ойи охирида Хоразмга, шу жумладан, Хивага ташрифи чоғида алоҳида таъкидлаб, қимматли тавсия ва тақлифларини билдириган эдилар. Чунки булар қадимиш шахарга келаётган маҳаллий ва хорижий сайджэларга оқимининг янада ошишига хизмат қиласди.

Ташрифимиз чоғидаги мулокотларда японияликларнинг Ўзбекистонга, жумладан, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби тарихий шахарларга қизиқишилари катта эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

Мисол учун япониялик санъаткор рақкосса Матсумото Михо Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси вакиллари билан ўзбек тилида гаплашар экан, Хива шаҳрида ўтадиган анъанавий “Рақс сехри” халқаро фестивалида иштирок этиши орзузи борлигини алоҳида таъкидлайди.

“Тақлиф этинглар, албатта ҳамкасларимиз билан борамиз. “Ўзбегим” номли куйга рақсга тушиш истагимиз бор”, – деди у ҳаяжон билан.

Ўйлайманки, халқаро симпозиум натижалари ва маданият, санъат соҳасидаги бу ҳамкорликлар халқлар, миллатлар ўтасидаги дўстликни, ҳамжihatлини, энг муҳими, тинчликни, тараққиётни таъминлашга хизмат қиласди.

Отабек ИСМОИЛОВ
сұхбатлашди

Театр олами

“Парвона” янги талқинда



Фаргона вилояти мусикали драма театри ижодкорлари “Парвона” спектаклини янги талқинда томошабинларга тақдим этишиди.

Маълумки, Ўйгун асари асосида саҳналаштирилган “Парвона” спектаклини ўтган асрнинг етмишинчи-саксонинчийларидаги республикамиздаги деярли барча театрлар ўз саҳналарига олиб

чишишган. Улар орасида Ўзбек миллий академик драма театри ниң “Парвона” спектаклини энг кўп томоша қилинган асарлардан бирси сифатида ётироф этилган, Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусов яратган ўтирий образи эса барчанинг олқишига сазовор бўлганди.

Режиссер Обиджон Абдул-

лаев асарга бошқача ёндашибди. Фаргоналикларинг янги “Парвона”сида халқимизга танини образларни актёлар – Бобуржон Омонов, Саодат Мирзабекова, Акмал Мирзаев, Мальмура Раҳимова, Азиз Темиров, Фотима Абдуваҳобовалар саҳнада тақорор гавдалантирилар.

Сайдали ОДИЛОВ

Бизнинг сұхбат

“Саҳнани севиш учун жуда катта юрак керак”

Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов катта авлод вакиллари учун “Оғиқ тушлар” спектаклидаги Қиличбек, “Шайтантар” видеофильмидаги “Хайдар” (Кесакполон), “Келинлар кўзғолони” спектаклидаги радиомуҳбир, “Суончи” фильмидаги раис қаби образлари, қолаверса, бошқа тилларда суратга олинган фильмлар ҳамда “Кундуз амакининг эртаклари” мультифильми боши қархоногига берган овози орқали яхши таниши.

Эркин ака бугун Ўзбек миллий академик драма театрида фаолият юритши билан бирга ўз маҳорат мактабида бўлажак актёр ва актисаларга соҳа сирларини ўргатиб келмоқда.

53 йилдан бўён театр саҳнасида “яшаб” келаётган бу инсон билан мулоқотимиз доимий муҳокамадаги мавзулардан бири – бугунги кун киноси ва ёш актёлар хусусида бўлди.

– Бутун кино оламига, театр саҳнасида кириб келаётган ёш ижодкорларнинг айримлари бир-иккита роль ўйнаб танилгач, жамоат тадбирларида ҳатто устоз санъаткорларга йўл бермаётганини кўрьямиз. Бунга қандай муносабат билдирасиз?

– Дарҳақиқат, бу мавзуда жуда кўп муҳокамалар бўлди, бўлаяпти. Устоzlар, саҳна “чанг”ни ялаган забардаст санъаткорлар бу борада ўз маслаҳатларини беришди. Қатор маҳорат, манавият дарслари ўтказилди. Лекин ҳамон бу мавзудаги саволларга жавоб беришга мажбур бўлямиз. Саҳнанинг обруйсини сақлаш бизнинг кўлинимизда. Ҳар қандай маъвқева эга актёр – хоҳ 50 йил ишлаган, хоҳ, кечагина бу соҳага қадам кўйган бўлсин, театрни ўззозлайди, хурмат қиласди. Саҳна, саҳнаорти одобига бир умр риоя қиласди. Бизнинг давримизда устоз санъаткорлардан таълим олганимиз учуними, театрга ҳурмат босхаша эди. Аслида бу ҳар бир актёرنинг бурии хисобланади. Бир думалаб машҳурликка эришган айрим ёш актёларнинг бугун обру ортириши, машҳур бўлиш учун “Қаерда ишлайсан?” деб сўрашса, “фалончи театранда” деб, театр номидан фойдаланишлари мени ранжитади. “Шоли курмаксиз бўлмайди” деганларидек, айрим ёшлар устоз кўрмагани ёки узотлари ўтигини кулогига олмагани биси, шундай кибрагериялиятади.

– Ёш актёлар ижросида у талқин эттаётган қаҳрамоннинг ички дунёси, руҳиятини эмас, шунчаки актёрининг ўзини кўрамиз. Аслида талабалр ўзгарамаган-ку, ўшлардаги бу укувзиликнинг сабаби нимада?

– Устоzlар Шукур Бурхонов айтганни: “Сўзни ёдлаб олиш билан актёр бўлиб колмайди. Актёр ёдланган сўзининг асл моҳиятини тушуниб, фалсафасига ўтибор бермаса, сўзни шунчаки гапирава, саҳнага чиқишидан фойда йўқ. Ҳар бир ролни шундай маҳорат билан ўйнагинки, ҳатто, бемор томошабин ҳам маҳоратнинг кўриб ўтилини эсдан чиқсан”. Демоқчиманки, касбини чин дилдан севган одам ҳеч қаҷон кам бўлмайди.

Ўз ижро эттаётган образни юрақдан ижро этмаса, саҳнага қадам кўйиши билан ўша қаҳрамонга айланмаса, унинг изтироблари, кувончлари билан бирга яшамаса, яхшиси, бошқа соҳада ўзини синааб кўргани маъкул.

Айрим актёр, актисалар кинодан ким нога ўтиб роль ўйнапти. Қийим бошқа, кўз қарашлар, воқеалар бошқа, лекин ижро йўналиши бирхил. Бир актёргинг 10та фильмидан лавҳалар олиб, кетма-кет кўйилса, кўрмаган одам буни битта фильм деб ўйлади. Демак, ўз қаҳрамонининг холатини ётарличи хис қилимай, енгил-елли ўйнагани учун ҳам, томошабин 10та қаҳрамонда битта киёфани кўраётгандир. “Бу соҳани танланимдан хурсандман”, деган ёш актёларнинг кўпли, афсуски, ролларини юзаки ўйнаётгандар бўлади. Мисол учун, саҳна юқини кўттарган актёлар ҳар бир спектаклда гавдалантираётган қаҳрамонининг изтиробларини хис қиливало, у билан бирга йўлгайвериб, дардини юрагига яқин олавериб толиқиб кетади. Шахсан ўзим ҳар бир юкли образга киришин олдидан “Негабошка соҳанин танламадим”, деб афусланаман.

– Ўзбек киносида савияли, кучли гояга эга, айниқса, дунё киносаноатида рақобатбардош фильмларни кам кўрьямиз. Муҳокамалarda ушбу муаммонинг сабаби сифатида драматургиянинг оқсанб қолаётганини вах қилиб кўрсатишмоқда. Соҳада юксалиш бўлиши учун драматургларимиз нималарга ўтиборли бўлиши керак деб ўйлайсиз?

– Бир пайтлар драматурглар бир актёрга мослаб, унинг ижро маҳоратидан келиб чиқиб ёзишган. Масалан, Үлмас Умарбеков “Қиёмат қарз”ни Шукур Бурхоновга атаб ёзган бўлса, “Олтин девор” Фани Аъзамовнинг, “Келинлар кўзғолони” – Зайнаб Садиреева ва “Парвона” спектаклини Обид Юнусовнинг ижро маҳоратидан келиб чиқиб ёзилган. Бутун ана шундай драматурглар деярли йўқ. Драматурглар фоқатгина, драмани ёзгандан кейин спектакль кўради. Ўнчага вакт сарфлаб, театрга келиб, бирор саҳна асарини кузаттада шунака уришардиларки, баъзан кўзимга

Яқинда Қарши шаҳар мусиқали драма театри ҳамда Ўзбек миллий академик драма театри ҳамкорлигига режиссер Асқар Ҳолмўминов “Он кема” спектаклини саҳналаштириди. Асарни томоша қилган драматург ҳаракат қисса, Нургоз образини гавдалантираётган Суҳроб Исимов ижросидан келиб чиқиб, бирор ёшлароп саҳна асари сценарийсини ёза олган бўларди. Ўз касбий тажрибамдан келиб чиқиб айтиб оламанки, кўп креатив гоялар айни репетиция жараёнида, саҳнада туғилади. Бугунги драматурглар ана шу жиҳатларни хисобга олса, муқим ҳолатда эмас, аксинча, ҳалқ орасида юриб, қаҳрамонлар қидириб топиб, ҳалқона асарлар яратига ҳаракат қилишса, кўпроқ театрларга бориб актёларни кузатишса, шу асосда образлар яратишса, ўйлайманки, соҳада юқалиш кузатилиди.

Вилоят театрларида ҳам жуда иқтидорли, тарбияли ёш актёларимиз кўп. Режиссерларимиздан кинофильмлар яратиш жараёнига уларни ҳам жалб этишларини сўраган бўлардим. Айниқса, устоzlар тарбиясини олган актриса, актёларни ҳалқа танитиш, катта саҳнага олиб чиқиши керак.

Бундан ташқари, кинорежиссерлар, театр режиссерлари драматурглар билан ўзаро ҳамкорлик қилиши керак. Режиссерлар драматургларга бирор ғоя беришса, драматурглар ўзи тасаввур килиб яратган образи учун актёр танлаб бериссин. Бу ҳам ривожланиши ўйлидаги муҳим омил хисобланади.

– Шукур Бурхоновнинг энг муносиб издоши, шоғирдисиз. Дейлик, 5-10 йилдан кейин “Эркин Комиловнинг шоғирди” деб кимни айтиб оламиш?

– Театрда ишладиган ёш актёлар хурмат билан “устоз” деб ўззозлашади. Маслаҳат, даққи берсак, кулоқ тутишиади. “Устоз” деганларга устоzlарининг этагидан маҳкам туби, кези келгандা, тарсакидек тегадиган танбехларига ҳам чирайди. Ана шундагина у шаклланади. Мисол учун, устоzlар Шукур Бурхонов айрим пайтларда шунака уришардиларки, баъзан кўзимга

БИЗНИС



ёш келган пайтлар ҳам бўлганди. Ана шундай танбех берган куннинг эртаси “Кечака хафа бўлмадингми?” деб кўядидилар. Мен бугун Асатулла Набиевни устоzlарни шоғирдларимдан деб айтиб оламан. У иқтидорли, келажаги бор актёлардан.

– Голливуд ёки Болливуд актёри бўлганимда, қандай ролларни ижро этишига салоҳиятим бемалол етарди, деб ҳеч ўйлаб кўрганимисиз?

– Кизиқ савол бўлди-ку (бироз ўйланиб). Йўқ, ҳеч ўйламаган эканман. 53 йилдан бўён кинода Украина, Қозогистон, Ҳиндистон, Тожикистон каби давлатлар фильмларида 86та, телевидениеда 300дан ортиг, театрда 100га яқин образларни яратибман. Бундан 30 йил олдин бу борада бироз иккиланишим мумкин эди. Лекин бугун ишонч билан айтиб оламанки, театрда ишлаш, ҳар бир ижро эттаётган қаҳрамон образида ўтишади.

Махбуба КАРИМОВА сұхбатлаши

Халқаро анжуман

Инсониятнинг бебаҳо мероси

2019 йилнинг 5 февраль куни Навоий шаҳридаги “Ёшлар маркази”да “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” мавзусидаги III анъанавий халқаро илмий конференция ташкил этилди.

Анжуман Республика Маънавият ва маърифат маркази, Алишер Навоий жамғармаси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирилари, Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Навоий вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши, Навоий давлат педагогика институти ҳамкорлигига ташкил этилди. Унда Озарбайжон, Афғонистон, Козогистон, Венгрия, Қозогистон,

Жанубий Корея, Мўгулистан, Россия, Туркия, Швеция, Ҳиндистон, Туркманистан, Тожикистон каби 15га яқин давлатлардан 50 нафардан ортиг навоийшунос олимлар, шунингдек, республикамизнинг барча вилоятларидан таникли академиклар, профессорлар, талабалар ва ёш олимлар катнашди.

Тадиби Навоий шаҳри марказиздан истироҳат бўлишида Алишер Навоий ҳайкални пойига гул кўйиш маросими билан бошланди. “Ёшлар маркази”да мутафаккир ва давлат арабоби Алишер Навоий асарларининг янги талқин ва кўринишада чоп этилган намуналари асосида бадий кўргазма ташкил этилди. Ундан Навоийнинг қайта нашр этилган 10 томлик асарлари ҳам жой олди.

» Тадбир
Навоийхонлик кечаси



2019 йил 5 февраль куни Термиз ихтисосластирилган санъат мактабининг 207-гурух ўқувчилари иштирокида буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий тавалуддининг 578 йиллиги муносабати билан шоир ижодига бағишиланган кеча ўтказилди.

Кечада мактаб ўқувчиари Алишер Навоий газалларидан намуналар ўқишиди, турли саҳна кўринишларини намойиш этишиди. Шунингдек, буюк шоир ижоди ва ҳаёти ҳақида маърузалар тингланди.

Ўқувчиларни Навоийнинг ҳаёти ва ижоди, шоир асар-

ларида олга сурилган фоялар билан кенгроқ таништириш мақсадида, мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари С.Турсунова, ўқитувчилар — М.Очилова, Ж.Араловалар томонидан ташкил қилинган кечанинг бадий қисми кўй-қўшиқлар билан якунланди.



» Ёшлар – келажагимиз



Санъатни ардоқлаш маданияти

Тараққиётта юз тутган, кундан кунга қиёфаси, суратио сийрати ўзгариб бораётган Ўзбекистонимиз бугун жаҳон эътиборида. Том маънода келажаги буюк давлатнинг эртанги куни – ёшлар таълим-тарбиясига, миллий маданиятиимиз ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганинг самараси ҳар қадамда бўй кўрсатмоқда.



Чирчиқ шаҳридаги 7-Болалар мусиқа ва санъат мактабига кириб борар эканмиз, маданият ва санъатимиз дарғалари, дунё маданияти намояндларига бўлган чуқур эҳтиормони хис этдик. “Шундай даргоҳда таълимтарбия олаётган ёшлар, сўзиз юкори маданият, маънавият ва истеъдолд эгалари бўлиши керак”, деган фикр хаёлдан ўтди.

— Муассасамизда 515 нафар ўқувчи таҳсил олади, — дейди мактаб директори Гулнора Нурматова. — Уларга мусиқа ва санъатнинг 13 ўйналиши бўйича малақали мутахассислар дарс беради. Кўриб турганингиздек, ўқувчиларимизнинг маънавияти, маданиятини шакллантириша хизмат қиласидан омиллар – мустаҳкам моддий техник база, барча зарур замонавий жиҳозлар, турли мусиқа асбоблари, дид билан безатилган синфҳоналар мавжуд.

Эътиборли жиҳати, миллий маданиятиимиз ривожи учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, мактабда ўзбек халқ чолгу асблори, хореография – рақс санъатини ўрганиш истагидаги ёшларсони тобора ортиб бормоқда. Натижага ҳам шунга яраша, ўқувчилар турли кўрик – танловлар, халқаро анжуман, фестивалларнинг фаол иштирокчиси, совриндорлари. Биргина 2018 йилда эришилган ютуқлар салмоги ушбу мактабда аустуго шогирдлар ўртасидаги ижодий муҳитнинг қай дараҷада эканини кўрсатади. Жумладан, ilk маротаба Тошкент шаҳрида ўтказилган рақс санъати

ати бўйича халқаро танловда гран-призовор бўлган 5-синф ўқувчиси Азиза Жумалиева миллӣ рақсимиз жошибасини дунёга таратди, дейиш мумкин. Чехиянинг Прага шаҳридаги Халқаро мусиқа танловида 5-синф ўқувчиси Амиралӣ Махмудов саксафон-альт чолғусини, Тошкент шаҳридаги “Истеъдол” II халқаро танлови дипломанти Лола Инкарова фортепионони, Италиянинг Рим шаҳридаги “Прима Вера Романа” халқаро танловида 4-синф ўқувчиси Бобур Баходиров гижжакни, 5-синф ўқувчиси Турсуной Ламинова доторни, 4-синф ўқувчиси Робинсон Тохирова чангни маҳорат билан ижро этиб, биринчи ўринни эгаллашди.

Шунингдек, Россиянинг Қозон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро танловда 4-синф ўқувчиси Жасмин Алиева миллий эстрада ўйналишидаги кўшиклиаримизнинг ижро этиб, биринчи ўринни кўлга киритди. Қозогистоннинг Остона шаҳридаги “Юлдузли лаҳзалар” халқаро кўрик танловида эса 5-синф ўқувчиси Умид Мухторов қашқар рубобини, 4-синф ўқувчиси Сардор Жӯраев доираҳи маҳорат билан чалиб, гран-при соҳиби бўлди. Дарвоҳе, ёғоч ўймакорлигининг моҳир устаси, 4-синф ўқувчиси Шоҳруҳ Каримов ҳам танловнинг юксак мукофотига лойиқ топилди. Ўқувчиларимизнинг бу ютуқлари, албатта, мактаб жамоасига ифтихор бағишилади.

Сайёра РИХСИЕВА

» Яхшилар ёди

Театрнинг чин маънодаги онахони эди

Шундай истеъдоллар бўладики, улар ўз санъати билан бир эмас, бир неча авлодни тарбиялайди. Уларнинг номи эса асрлар давомида ҳалқ хотирасида яшайди.

Санъатнинг ҳақиқий фидойиларидан бўлган, ёшлигиданоқ театранда тобланган Онахон Тожибоева ана шундай беназир санъаткорлардан бири эди.

У 1920 йил Наманган вилояти Янтиқўргон тумани Заркент қишлоғига дунёга келади. Отаси Тожибой Ризаев оддий аравакашлик билан тирикликингилган.

1940 йилда Онахон Тожибоева тибиёт мактабига ўқишига киради. Сўнгра шу ерда ташкил этилган ҳаваскорлик дастасида қўшиқ айтиб, рақсга тушиб, драматик парчаларда роллар ижро эта бошлайди.

Кунларнинг бирида тўғарак иштирокчилари тайёрлаган дастурни томоша килиш учун Наманган театридан бир гуруҳ артистлар келади. Улар орасида Раззоқ Ҳамроев, Мукаррама Азизовлар ҳам бор эди. Томоша тутагандан сўнг санъаткорлар Онахон Тожибоевага эртаси куни театрга боришини тайинлашади. У театрга боради ва ўз маҳоратини санъаткорлар олдида намойиш этади. Шундан сўнг уни ишга таклиф қиласидар.

Шу кундан бошлаб Онахон опа театрнинг хор бўлимида иш бошлайди. У ўзига берилган ҳар қандай вазифани жонули билан бажарад, репетицияларни кузатиб борар ва қаҳрамонларнинг сўзларини ёд оларди. Ўзи ҳам саҳнада ўйнашистагида тинмай изланади.

Бир куни Нуҳон спектаклидаги Қумри ролини ижро этувчи актриса — Муборак Ҳамроева бетоб бўлиб, ишга келолмай колади. Шунда Онахон Тожибоева актёрларга “Агар ижозат берсангиз, шу ролни мен ўйнайман”, дейди. Иложисиз қолган режиссёр Раззоқ Ҳамроев, Мукаррама Азирова, Турсуной Жаъфарова, Собир Раҳмоний, Маҳмуд Дарабоевлар бўлган. Қўшиқ кўйлаш сирларини эса уста Рӯзиматоловлар ва Карим Мансуровдан ўрганади.

Шундай қилиб, у илк бора Қумри ролини маромига



етказиб ижро этади. Шундан кейин режиссёрлар ҳар гал бирон асарни қўлга олганларида, янги актрисани ҳам эсдан чиқармайдилар. Орадан йиллар ўтиб, Онахон таётрнинг асосий ролларни ижро этувчи тўлақонли аъзосига айланади. Ўша даврда унинг устозлари Раззоқ Ҳамроев, Мукаррама Азирова, Турсуной Жаъфарова, Собир Раҳмоний, Маҳмуд Дарабоевлар билан. Қўшиқ кўйлаш сирларини эса уста Рӯзиматоловлар ва Карим Мансуровдан ўрганади.

Онахон Тожибоева кўплаб

роллари орқали Гулсара, Нуҳон, Ширин, Лайли, Санам, Жамила каби ҳаёти оташин муҳаббатин актетиради. Бу ижроларнинг ҳар бирида одамларга меҳр-муҳаббат, эзгуликнинг ғалабасига ишонч яшади.

Фидокорона меҳнатлари туфайли актриса 1964 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” фахрий унвонига муносиб топилди. Кейинчалик “Шуҳрат” ва бир неча юбилей медаллари билан тақдирланди. 1975 йилдан нафақада бўлишига қарамай, у театр жамоасининг чин маънодаги меҳрибон, бағрикен онаси эди. Санъаткор нафақат яратган образлари, балки ҳаётий тажрибаларини ҳам фарзандлари ва касбдошларига ўргатиш иштиёқи билан яшади. У “Ибн Сино” спектаклидаги Ситорабону, “Юсуф ва Зулайҳо”да Момо, “Гулсара”да Ойсара, “Нуҳон”да Кимё, “Синдирилган кўза”даги Ҳадича каби муштипар, муnis оналар образлари билан одамлар қалбida мухрланиб қолди. Айниқса, “Нуҳон” спектаклидаги Ҳадича образини кўп томошабинлар ҳанузгача ёдга оладилар.

Тиниб-тингчимас Онахон Тожибоева, театр саҳнасида роллар ижро этиш, қўшиқлар куйлаш билан бир каторда, кинофильмларда ҳам иштирок этди ва бутун умрини санъатга баҳшида қилди. Унинг ибратли умри, саҳнага бўлган садоқати ижодкорлар учун ёрқин намуна бўла олади. Ўзбек театр санъати ривожига катта хисса қўшган актриса ижро этган роллари, куйлаган қўшиқлари билан ўзига хос санъат мактабини яратган ижодкордир.

Гўзал ВАЛИЕВА,
Наманган вилоятини
тарихи ва маданияти
давлат музейи иммий
ходими

» Матбуот анжумани

“GM Uzbekistan”да ўзгаришлар кутилмоқда



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникация агентлигига 5 февраль куни мамлакатимиздаги автомобиль саноати фолиятига багишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

“Ўзвестосаноат” раисининг техник сиёсат ва маҳаллиялаштириш бўйича ўзринбосари Азизбек Шукуровнинг

сўзларига кўра, компания “General Motors” билан ҳамкорликнинг янги концепциясига ўтмокда ва бунга мувофиқ моделлар қатори Америка корпорацияси билан бир вақтда янгилаади.

“GM Uzbekistan” вакиллари компания тез орада ўз номини ўзgartиршини, шунингдек, “Cobalt”нинг янги версияни ишлаб чиқариши режисидан воз

кечилганини маълум қилиши.

“Captiva”ни ишлаб чиқаришдан оддик, 2019 йилнинг учинчи чораги охирида унинг ўрнига иккита янги автомобиль чиқарилади”, – деди А.Шукуров.

Анжуманда, шунингдек, мавжуд экспорт бозорлари қаторига Афғонистон ҳам қўшилиши кутилаётгани маълум қилинди.

» Маданияти авлод



Дўстона алоқалар давом этади...

Чирчиқ шаҳридаги З-Болалар мусиқа ва санъат мактабига умидли, истеъодли ёшларимиздан бири Ахорбек Улуғбеков раҳбарлик қиласи. Шу билан бирга ўқувчиларига эстрада хонандалиги бўйича дарс ҳам беради.

Рубоб чалиш – Ахорбекнинг жону дили. Шунданини, ўқувчилари 2007 йилдан бўён Қори Ёкубов номидаги республика ќўрик-тандовларининг фабол иштирокчиси, айниқса, афғон рубобини маҳорат билан чалиб, голиблини кўлдан бермай келишапти. 2017 йилда Болгарияда ўтказилган “Несебр юлдузлари” халқаро ќўрик-тандовида Россия, Грузия, Испания, Руминия, Ислори каби йигирмадан ортиқ мамлакатлардан келган қатнашчилар орасида мусоноси иштирок этиби, Ахор Улуғбеков

халқ кўшиклиги йўналиши бўйича 1-ўринни, ўқувчилари – Тоҳирбек Мингбоев, Азиз Миржалоловлар 2 ва 3-ўринларни эгалашган.

– Юртимизда маданият соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда, – деди Ахорбек. – Зеро, мусиқа ва санъат милиатин, мамлакатни жаҳонга танитишда муҳим аҳамияти касб этади. 2018 йил декабрь ойида Туркиянинг Истанбул шаҳрида “Шоу мир” маданият маркази ташаббуси билан ўтказилган ижодий учрашувда қатнашиб бахти наисбет этди. Бу њаҳитдаги энг хаяжонлилаҳазалар эди. Унда Туркия маданиятига ва санъати на мояндalar, машҳур начи Рифат Варол, Коджатепе Афъен номли университетнинг маданият ва санъат факуль-

тети, турк миллий мусиқаси кафедраси мудири хонанда Мурад Майтакханлар билан сұхбатлашдик. Учрашувда, шунингдек, ҷолгулар бўйича маҳорат дарслари ҳам ўтказилди. Иккى давлат ўтрасидаги маданий мерос, анъанавий, миллий куй-кўшикларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни хақида музокаралар олиб борилди. Қисқаси, таассуртлашим бир олам. У ерда ўрганганларимини, албатта, иш фаoliyatiyimda қўллашга ҳаракат қиласиган. Турк бирордларларимиз ҳам бизнинг миллий мусиқамиз тарихини катта қизиқиш билан тинглашди. Демак, фахр-иiftihor этишига аризалик маданиятимиз, санъатимиз бор. Гуфат бизнинг вазифамиз уни янада бойитиш, борини асрәб-авайлашдир.

Сайёра РАҲМОНОВА

» Тадбир

“Навоий мероси – маънавий тарбия асоси”



Жорий йилнинг 5 февраль куни Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида “Алишер Навоий мероси – маънавий тарбия асоси” мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ташкиллаштирилган ушбу тадбир буюк мутафаккир, газал мулкининг сultononi, давлат ва сиёсат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 578 йиллигига багишиланди. Унда Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқалии театрнинг истеъоддли актёри Бозорбек Холмўминов иштирок этиди.

**Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига
Ўзбекистон давлат филармонияси**

“Туркистон” соат 18:00 да
санъат саройида

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан таҳсилоти
Устоз ва шоғирдлар ижорасида

“Назм ва наво”
кечасига тақлиф этадилар.

Дастурда:

Ўзбекистон ҳалқ артистылари:
Хайрулла Лутфуллаев
Мунозисот Йўлчиева
Бобомурод Ҳамомов
Бономжон Бўронов
Замира Суюнова

Ўзбекистон ҳалқ ҳоғизи:
Сойибжон Ниёзов
“Дуторчилар” ансамбли
“Лазги” ашула ва рақс ансамбли


Ўзбекистон ҳалқ шоючи Омон Матжон
Дастурни
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистылари:
Ғиёз Бойтоев
Абдулла Шомагрупов
Гулбахор Эркулова
Собиржон Мўлинов
Илҳом Фармонов

“Низом” давлат мукофоти сориндорлари:
Илес Арабов
Сайёдбек Жўраев

Дастур мөхъомни:
Ўзбекистон ҳалқ шоючи Омон Матжон
Дастурни
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистылари:
Ўтқир Сиддиков олиб боради.
ФОНГОГРАММА ОРКАЛИ ИЖРО ЭТИЛАДИ.
Маълумот учун телефон: 71-234-99-45.

» Премьера

“Бремен созандалари”



Самарқанд вилоят мусиқалии драма театрида жорий йилнинг 5 февраль куни ака-ука Гриммларнинг “Бремен созандалари” асари асосидаги болалар мусиқли тақдим этилди.

Томошага Самарқанд шаҳридаги 1-сонли ҳамда 10-сонли Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари, Самарқанд санъат коллежининг талабалари ташриф буоришиди. Улар Трубадур, малика ҳамда унинг канизаклари, маккор Атаман ҳамда унинг қароқчилари, изкувар, кирол, масҳараబоз каби эртак қаҳрамонларининг ажойиб саргузаштари томоша қилишиди.

Театрнинг бош режиссёри Ш.Санақулов саҳналаштирган спектаклда актёrlар билан бир қаторда вокал, хор, оркестр ва рақс жамоалари ҳам иштирок этди.

РАДДИЯ

Газетанинг 2019 йил 24 январь, 4-сон, 6-саҳифасида муаллиф Наргиза Сафарованинг “Танқидми ёки тухмат?” номли мақоласи эълон қилинган эди. “Ишонч” газетасининг Жиззах вилояти бўйича мухбири А.Абдурахмоновнинг “Уламсада ултираётган ёхуд айбизз айборларнинг саводи ва ишга муносабати ҳақида” номли мақоласи асосидаги ушбу мулоҳазада “Ишонч” газетаси учун тайёрланган” ибораси “Ишонч” газетасининг 2018 йил 12-сонидаги чоп этилган” тарзида ёзилган ва хатога йўл кўйилган. Аслида мақолада тилга олинган муаммолар бўйича “Ишонч” таҳририяти тегишли идораларга хат билан чиккан ва уларни баратараф этиш юзасидан мутасаддиларга тавсия ҳамда маслаҳатлар берилган. Шу сабаб, мақола газетада чоп этилмаган.

“Маданият” газетаси таҳририяти бу ҳақда нотўғри маълумот берилгани ва йўл кўйилган хатолик учун газетхонлар ҳамда “Ишонч” мухбиридан узр сўрайди.

Тажриба

Санъат мактабида очик дарс



Кадриятларимиз



Термизда достонлар кечаси

Термиз шаҳридаги 22-сонли Болалар мусиқа, санъат ва бахшичилик мактабида Сурхондарё телерадиокомпанияси, вилоят Маданият бошқармаси билан ҳамкорликда "Бахшили эл" деб номланган достон кечаси бўйlib ўтди.

Унда Термиздаги ихтисослаштирилган санъат мактаби ҳамда Термиз санъат коллежининг антаворий ижрочилик ва халқ чолгулар ижрочилиги таълим йўналиши ўқувчи ва ўқитувчилари қатнашиди.



Достон кечасида Бахтиёр бахши Ортиков "Сулувхон" достонини, унинг шогирдлари – Севара Эшмиразея "Ойпари" термасини, Самандар Менгалиев "Бахшилар мактаби" термасини, Достон Мамаражабов "Дўймбарам" термасини, Самандар Гулбоев "Сурхондарё" термасини, Хасан Тоштемиров "Достон" термаларини куйлаб, барчанинг олкишига сазовор бўлишиди.

Комил ЧОРИЕВ,
22-БМСБМ директори
биринчи ўринбосари

МАДАНИЯТ

ОБУНА ИНДЕКСИ:
285

МУАССИСЛАР:
"Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазирилиги,
«Dildosh media» МЧЖ

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Бош муҳаррир
Дилбаҳор Худойбердиева

Таҳририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

4 февраль куни Хоразм вилютидаги 4-Болалар мусиқа ва санъат мактабида халқ чолгулари бўйими кашқар руబ синфи ўқитувчиси Комилжон Жуманиёзовнинг синф концерти бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда вилютидаги болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчилари иш-

тирок этиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

Хоразм вилюят Маданият бошқармасининг 2018 йил 9 октябрдаги 1041-5-сонли топшириғига кўра, илмий асосланган тақлифларни таълим тизимга самарали жорий этиш, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўкувчиларнинг билим савиасини янада ошириш мақсадида, тизимдаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчиларининг режа асосида очик дарс ўтказиши йўлга кўйилди. Юқоридаги тадбир ҳам мана шундай ижодий ҳамкорликнинг намунаидир.

Табият ва биз

Музейлар – илмий-маърифий даргоҳ



Музей – тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи илмий-маърифий даргоҳ ҳисобланади. Замонавий музейлар эса маданий мероснинг янги қирраларини на мойиш этадиган тадқиқот ва таълим-тарбиявий муассасалар сирасига киради.

Уларни давр талабидан келиб чиқсан ҳолда янада тақомиллаштириш, экспозициялар қиёфасини ўзгартириб, дунё миқёсидаги музейларга тенглаштириш – давр талаби. Ўзбекистон давлат табият музейида ҳам замонавий экспозициялар яратиш мақсадида, реэкспозиция ишларини олиб бориши режалаштирилган.

Янги экспозицияларни яратишдан мақсад, инсоннинг табият билан уйғунлиги, биз унинг бир бўлгага эканимизни, бизгачча етиб келган табият бойилклари ва неъматларини асрар-авайлаш, атроф-муҳит, экологияни саклаш ва келгуси авлодга соғ ва мусаффо тарзда етказиш учун масъул эканимизни тушунтириш, буни ёш авлод онгига сингдиришдан иборат.

Табият музейининг энг кўзга ташланадиган, ўзининг ноёблиги, ранг-баранлиги билан ажрабли турадиган ва республика музейларни иқлимига мослашган йиртқич күшлардан иборат экспозицияси барчани бирдек кизиқтиради.

Йиртқич күшлар бошқарлиридан кучлиги, қайрилган тумшуги, катта кўллари, бақувват оёқ ва тирноқлари билан фарқланади. Улар барча халкларда довюраклик ва гўзаллик рамзи ҳисобланади. Гўштхўрлик уларнинг табияти хос, лекин ба қушлар ўзларига ўлжа бўлган ҳайвонларни бутунлай қириб ташлай олмайди. Шуниси ажаб-ланарлики, йиртқич күшлар ўз ўлжаларининг саломатлиги ва кўпайиш жараёнларига ҳам таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда йиртқич күшларнинг ўрта Осиёда тарқалган турлари табиятга улкан фойда келтириши исботланган, чунки улар кишлоқ ҳўjalиги зараркунданади ҳисобланган кемирувчиларга қирон келтиради. Ўзбекистон худудида бу күшларнинг 41 тури мавжуд бўлиб, уч оиласга – сколапар, киргиз калхат, шарқий қорақуш каби турлар ҳам на мойишга кўйилган. Мазкур янги экспозиция ёшлигарга, айниқса, ўкувчиларга қушларнинг ноёб турлари, уларнинг яшаш тарзи ва қўриниши ҳақида аниқ тасавур беради.

Г.ШАДЖАНОВА
ЎзДТМ директори мувонини,
И.АБДУҒАНИЕВА
ЎзДТМ катта илмий ходими

БМСМлариди

"Туташ маданиятлар" да жажжи юлдузлар

Ўқувчи ёшларни мусиқа ва санъатнинг юксак намуналаридан баҳраманд этиш ва шу асосда тарбиялаш, уларнинг ижрочилик маҳоратларини янада ошириш мақсадида, бу гунги кунда уларнинг кўплиб нуғузли ҳалқаро танловларда иштироқи таъминланмоқда.

Тошкент шаҳридаги 14-Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ҳам ҳалқаро кўрик танловларда фаол қатнашиб келади. Ўтган йили Россиянинг Козон шаҳрида ўтказилган "Слияние культуры" номли Болалар ва ўсмилар ижодиёти XXIX ҳалқаро фестивал-танловида амалий санъат йўналиши (миниатюра) бўйича мактабнинг 3-синф ўқувчиси Ҳилола Ҳакимованинг ижодий ишлари фаҳри 1-ўринг сазовор бўлди. Италиянинг Римини шаҳрида ўтказилган "Folk Summer Festival International" номли ҳалқаро фестивал-танловида эстрада хонандалиги йўналиши бўйича 3-синф ўқувчиси Хайринисо Акбарова гран-при (олий ўринни); хореография йўналиши бўйича 5-синф ўқувчиси Малика Нўмонжонова 2-ўринни эгаллашган.

Н.Содиқова



Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
10.04.2018 й. 0803 рақами
билиан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Таҳририятга келган кўлъёзмалар қайтирилмайди ва ёзма жавоб берилмайди.
Мақолаларда келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар,
унинг фикри таҳририят карашидан фарқланиши мумкин.
«Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун маъсүл: Мұҳаббат Шарифова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: А.Мўминов
Адади - 11 911 Буюртма - G - 227
Сотувда келишилган нарҳда
Коғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоб

Газета "Шарқ" нашриёт-
матбаа акциядорлик компа-
нияси босмахонасида
чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 42.
Босмахона топшириши
вақти - 19.30
Топширилди - 19.30
1 2 3 4 6